Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Хазорасп тумани

ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Hazorasp tumani

HOKIMI
QARORI

«29» Сентябр 2020 йил
№2273к

**Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2021 йилда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6, 25-моддалари *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)*, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда)*, "Ўзбекистон республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 7, 25-моддалари *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил 29-30-сон 277-модда)*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 й., 393-сон)* билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Хазорасп туманида 2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Хазорасп туманида 2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича касб ва лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Scanned by CamScanner

3. Мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан келиб чиққан холда 209 кишини ташкил этадиган 100 фоиз миқдорда, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлгиз ва кўп болали ота-оналар учун 10 фоиз (21 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун 71,3 фоиз (149 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 2,9 фоиз (6 киши);

ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун 10 фоиз (21 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 3,8 фоиз (8 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 2 фоиз (4 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

4. Ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятлари тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши керак, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлгиз ва кўп болали ота-оналар учун болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичларни ҳисобга олган холда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун малака талаб қилинмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган холдаги иш ўринлари;

муаян касб-ҳунарга ва малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малака талаб қилинмайдиган иш ўринлари ташкил қилинсин.

Scanned by CamScanner

5. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш ва захирага қўйиш бўйича мазкур карор ижросини бажармаган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир ҳафта муддатда мазкур қарорни 1-иловада кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига етказсин.

8. Ушбу карор 2021 йил 1 январдан кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 ил 20 сентябрдаги 10039к-сон карори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур карор туман ҳокимлигининг расмий нашри бўлган "Hazoraspnoma" газетасида эълон килинсин.

10. Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (К.Маткаримов)га:

мазкур қарорни туман ҳокимлигининг hazorasphokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштириш;

туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси топширилсин.

11. Қарорнинг бажарилишини назорат килиш туман ҳокимлигининг биринчи ўринбосари З.Оллақулиев ва туман ҳокими ўринбосари А.Дусчанов зиммаларига юклатилсин.

**Туман хокими** **У. Машарипов**

Scanned by CamScanner

## Туман ҳокимининг Қарори

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАР УЧУН 2021 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ ЭНГ КАМ СОНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6, 25-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 7, 25-моддалари (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2008 йил 29-30-сон 277-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2017 й., 393-сон) билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Ҳазорасп туманида 2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳазорасп туманида 2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича касб ва лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан келиб чиққан ҳолда 209 кишини ташкил этадиган 100 фоиз миқдорда, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 10 фоиз (21 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун 71,3 фоиз (149 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 2,9 фоиз (6 киши);

ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун 10 фоиз (21 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 3,8 фоиз (8 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 2 фоиз (4 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

4. Ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томондан ўзларининг меҳнат мажбуриятлари тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши керак, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун малака талаб қилинмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари;

муайян касб-ҳунарга ва малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малака талаб қилинмайдиган иш ўринлари ташкил қилинсин.

5. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш ва захирага қўйиш бўйича мазкур қарор ижросини бажармаган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир ҳафта муддатда мазкур қарорни 1-иловада кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига етказсин.

8. Ушбу қарор 2021 йил 1 январдан кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 20 сентябрдаги 10039қ-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри бўлган "Hazoraspnoma" газетасида эълон қилинсин.

10. Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (К.Маткаримов)га: мазкур қарорни туман ҳокимлигининг hazorasphokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштириш, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси топширилсин.

11. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимлигининг биринчи ўринбосари З.Оллақулиев ва туман ҳокими ўринбосари А.Дусчанов зиммаларига юклатилсин.

**Ҳазорасп тумани ҳокими** **Ў.МАШАРИПОВ**

# Туман ҳокимининг Қарори

## УМУМТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМГА ТЎЛИҚ ЖАЛБ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТУМАНДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МИКРОҲУДУДЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 3, 27-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сон қарорининг 39-41-бандларига асосан ҳамда туман Халқ таълими бўлимининг 2020 йил 1 майдаги 01/7-13-06-сон хатини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

*1. Туман Халқ таълими бўлимининг 2020 йил 1 майдаги 01/7-13-06-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.*

*2. Умумтаълим ёшидаги болаларни мажбурий таълимга тўлиқ жалб этиш бўйича тумандаги умумий ўрта таълим мактабларига бириктирилган микроҳудудлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.*

*3. Туман Халқ таълими бўлими (З.Қурбонова)га тасарруфида бўлган умумий ўрта таълим мактаблари жойлашган ҳудуддаги умумтаълим ёшидаги болаларни ҳисобга олишни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 25 апрелдаги 4/1-сон ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болалар ҳисоботини олиб бориш тўғрисида"ги йўриқнома асосида амалга ошириш топширилсин.*

*4. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Дусчанов, туман Халқ таълими бўлими (З.Қурбонова), тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.*

*5. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.*

*6. Туман маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (М.Эшчанов)га, маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман Халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.*

*7. Туман ҳокимининг 2019 йил 19 августдаги "Умумтаълим ёшидаги болаларни мажбурий таълимга тўлиқ жалб этиш юзасидан тумандаги таълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида"ги 9519қ-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.*

*8. Қарор "Hazoraspnoma" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.*

*9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.*

*10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари А.Дусчановга топширилсин.*

**Ҳазорасп тумани ҳокими** **Ў.МАШАРИПОВ**

29 август 2020 йил

Ҳазорасп шаҳарчаси

**Маҳмуд КОШҒАРИЙ**

Сканировано с CamScanner

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҲАЗОРАСП ТУМАН КЕНГАШИ ҚАРОРИ

## Хоразм вилояти таркибида Ҳазорасп туманидан ажралган ҳолда Тупроққалъа тумани ташкил этилганлиги муносабати билан Халқ депутатлари Ҳазорасп тумани Кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги "2020 йил Ҳазорасп тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 60-205-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 апрелдаги ПҚ-4671-сонли "Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни хал этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти таркибида Хазорасп туманидан ажралган холда Тупроққалъа тумани ташкил этилганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Конунининг 8-моддасига асосан Халқ депутатлари Хазораси тумани Кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги "2020 йил Хазорасп тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 60-205-сонли қарорини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгаши**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 апрелдаги ПҚ-4671-сонли "Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти таркибида Ҳазорасп туманидан ажралган ҳолда Тупроққалъа тумани ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ҳазорасп туман таркибидан Тупроққалъа туманининг ажралиб чиқиши муносабати билан Халқ депутатлари Ҳазорасп тумани Кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги "2020 йил Ҳазорасп тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 60-205-сонли қарори 1 ва 2-иловаларига тегишинча ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Хазораси туман Кенгаши раиси,**
**туман хокими** **Ў.МАШАРИПОВ**

Сканировано с CamScanner

Mustaqilligimiz abadiy bo`lsin!

# Hazoraspnoma

Hazorasp tuman hokimligining siyosiy - ijtimoiy gazetasi

Gazeta 1935-yil 21-maydan chiqa boshlagan ● 2020-yil 14-sentabr ● 9-10(7469-7470) hazoraspnoma@umail.uz https://t.me/hazoraspnoma_uz

**Халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.**

## ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Сессия ишини Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Б.Қосимов олиб борди.

Сессияда депутатлар, тегишли ташкилот раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сессия кун тартибида туман иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва бюджет тушумлари ҳажмини ошириш юзасидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижроси, Хазорасп туманидан ажралган ҳолда Тупроққалъа тумани ташкил этилганлиги муносабати билан Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги "2020 йил Хазорасп тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 60-205-сонли қарорига ўзгартириш киритиш, туман ИИБ бошлиғининг ҲП масалалари бўйича ўринбосари А.Бобожановнинг июль-август ойлари давомида амалга оширган ишлари, тумандаги айрим умумтаълим мактабларида карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда 2020 йил 11 сентябрдан бошлаб янги 2020/2021-ўқув йилини бошлашга рухсат бериш тўғрисидаги (2, 15, 28,32, 38, 39,-сон мактаблар) тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Сессия кун тартибида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессия ишида Хазорасп тумани ҳокими Ў.Машарипов қатнашди ҳамда сўзга чиқди.

Сессия карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

*Ўз мухбиримиз*

## ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги йигирма биринчи сессияси кун тартибида Халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашига бўшаб қолган ўринга ҳамда янгидан ташкил қилинган округларга Халқ депутатлари Хазорасп туман кенгаши депутатлигига сайлов кунини белгилаш ва сайлов округларида сайлов ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва Халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгаши қарор қабул қилди.**

## Халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашининг ҚАРОРИ

### БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ҲАМДА ЯНГИДАН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ОКРУГЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХАЗОРАСП ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

## ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

*Давлат ва жамият бошқарувида, бизнесни тараққий эттиришда ҳам умуман, барча соҳа ривожида салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутади. Сабабики, янгидан-янги ташаббус гояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда ана шу қатламнинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади.*





Шу боисдан бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялашга ва уларнинг берилган имкониятлардан тўғри фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар билан учрашувлар ташкил этилиб, қизиқишлари ва муаммолари ўрганилмоқда.

"Алоқали кўл" маҳалласидаги 14-сонли мактабгача таълим ташкилотида бўлиб ўтган "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ҳам шу мақсадда ўтказилди.

Учрашув аввалида туман ҳокими Ўктам Машарипов сўз олиб, мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ҳақида гапириб, "Биз сизлар билан ҳар доим олға интилишимиз, Президентимиз белгилаб берган йўлдан боришимиз зарур. Агар биз бу йўлда бир тан-у бир жон бўлсак, марра ва нурафшон келажак бизники", дея алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг бевосита учрашув иштирокчилари туман ҳокимига ўз саволлари билан мурожат этишди ва ёшлар томонидан берилган ҳар бир саволга муносиб жавоблар берилди.

Бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хазорасп туманидаги Халқ қабулхонаси мудири С. Ходжамуратов ва туманда фаолият олиб бораётган ташкилот, муассаса ва барча корхоналар раҳбарлари иштирок этишди.

*Ўз мухбиримиз*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган ҳолда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини*

## КЎМАККА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРНИНГ

**болаларига моддий ёрдам пуллари тарқатилмоқда**

**Мамлакатимизда Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар**

Сканировано с CamScanner